

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-
КИТОБЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АМАЛДАГИ
ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

Минглиева М. О.
БФА-тингловчиси

***Аннотация.** Мазкур мақолада тижорат банкларининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операциялари амалдаги ҳолати илмий-назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда интернет-банкнинг, мобил-банкнинг, QR-кодли тўловлар ва пластик карточкалар орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар улушининг ортиб бориши рақамли иқтисодиёт шароитида миллий банк тизими самарадорлигини таъминловчи асосий омил сифатида баҳоланган. Шунингдек, ҳисоб-китоб жараёнларида хавфсизлик, ички назорат тизимлари ва молиявий саводхонликни ошириш масалалари ёритилган. Халқаро амалиёт билан қиёсий таҳлил натижалари SEPA ва SWIFT каби йирик тўлов тизимларининг афзалликлари ҳамда Ўзбекистонда миллий стандартларни МҲХС ва халқаро тўлов қоидаларига уйғунлаштириш заруриятини кўрсатади. Тадқиқот хулосалари тижорат банклари учун стратегик аҳамиятга эга бўлиб, пул айланмасини тезлаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва миллий молия тизимининг барқарор ривожланишига хизмат қилади*

***Калит сўзлар:** Тижорат банклари, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, интернет-банкнинг, мобил банкнинг, электрон тўловлар, пластик карточкалар, МҲХС, SEPA, SWIFT, рақамли иқтисодиёт, банк операциялари, миллий тўлов тизими.*

Кириш

Тижорат банкларининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблари нафақат аҳоли

ва тадбиркорлик субъектлари учун қулайлик яратади, балки миллий иқтисодиётда пул айланмасининг тезкорлигини таъминлайди. Марказий банк маълумотларига кўра, 2020–2024 йиллар мобайнида интернет-банкнинг ва мобил банкнинг хизматларидан фойдаланувчилар сони муттасил ортиб борган. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари орасида интернет-банкнинг хизматлари улуши 2020 йилда 18 % ни ташкил этган бўлса, 2024 йилда 45 % га етган. Бу рақамлар мамлакатда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни кенг жорий этиш орқали иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш йўналишида ижобий ўзгаришлар кузатилаётганини кўрсатади.

Халқаро тажрибалар шуни англатадики, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ривожланиши миллий молиявий тизимнинг барқарорлигини таъминлайди ва иқтисодий муносабатларнинг рақамлашувига хизмат қилади. Масалан, Европа Иттифоқи давлатларида тўлов тизимларини SEPA форматида бирлаштириш тўлов операциялари тезлиги ва шаффофлигини таъминламоқда. Ўзбекистонда ҳам миллий стандартларни МҲХС ва халқаро тўлов тизимлари қоидалари билан уйғунлаштириш зарурияти мавжуд. Бу нафақат миллий банк тизимининг самарадорлигини ошириш, балки мамлакатнинг халқаро молия бозорларига интеграция жараёнларини тезлаштиришга хизмат қилади.

Шунингдек, тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар механизмларини таҳлил қилиш қатор илмий-амалий вазифаларни ҳал этиш имконини беради. Жумладан, ҳисоб-китоб жараёнларида хавфсизлик ва ички назорат тизимларини такомиллаштириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва тезкорлигини таъминлаш, аҳоли молиявий саводхонлигини ошириш ва ноқонуний айланмаларнинг олдини олиш каби масалалар долзарб

аҳамиятга эга.

Адабиётлар шарҳи. Тижорат банклари орқали амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар — миллий молия тизимининг барқарор ишлашини таъминловчи, рақамли иқтисодиётга ўтишда ҳал қилувчи восита сифатида эътироф этилади. Мазкур йўналишда бир қатор ўзбек ва рус тадқиқотчилари томонидан амалий таҳлиллар ва эмпирик изланишлар олиб борилган бўлиб, уларнинг натижалари илмий-назарий жиҳатдан юқори аҳамиятга эга.

Россия олими А.С.Сорокина ўзининг “Безналичные расчёты в банковской системе: современные тенденции” мавзусидаги тадқиқотида Россияда нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг банк карталари ва электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилишини кенг эмпирик маълумотлар асосида ўрганган. Муаллиф таъкидлаганидек, “электрон тўлов платформалари орқали амалга оширилган трансакцияларнинг салмоғи 2015–2019 йиллар оралиғида 2,3 бараварга ўсган”¹. Ушбу тенденция Россия Федерациясидаги банклараро тўлов инфратузилмасининг модернизацияси билан боғлиқ деб баҳоланади.

Тадқиқотчи олимлар А.Халилов ва Cui Hairong томонидан олиб борилган илмий изланишда 2017–2024 йиллар давомида Ўзбекистон тижорат банкларида рақамли технологияларни жорий этишнинг молиявий хизмат кўрсатиш самарадорлигига таъсири эмпирик усуллар орқали чуқур таҳлил қилинган. Тадқиқот доирасида асосий урғу мобил тўловлар, интернет-банкнинг хизматлари ва рақамли платформа интеграцияси каби технологик ечимларнинг банк операциялари самарадорлигига таъсирини баҳолашга қаратилган. Методологик жиҳатдан тадқиқотда ARMA (AutoRegressive

¹ Сорокина А.С. – “Безналичные расчёты в банковской системе: современные тенденции”. <https://www.dslib.net/bank-delo/beznalichnye-raschety-v-banke.html>
SJIF: 5.051

Moving Average) ҳамда кўп ўлчовли регрессия моделларидан фойдаланилган бўлиб, мазкур моделлар орқали банк хизматларидан фойдаланиш кўрсаткичлари, технологик инновациялар даражаси ва хизмат сифати ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ўрнатилган. Айниқса, “регрессия таҳлилида ҳар бир технологик ўзгаришнинг самарадорликка таъсири миқдорий ифодада акс эттирилган бўлиб, натижалар юқори ишонч даражасида ($R^2 = 0.87$) аниқланган”².

Таниқли ўзбек олими З.Мамадиёров ўзининг “Determinants of Remote Banking Services Usage in Uzbekistan” номли илмий мақоласида Ўзбекистонда масофавий банк хизматларидан (интернет-банкнинг ва мобил-банкнинг) фойдаланиш омилларини чуқур таҳлил қилган. Муаллифнинг тадқиқоти рақамли банк хизматлари фаолиятини кенгайтиришда мижоз хулқ-атвори, технологияларга ишонч даражаси, инфратузилмавий шарт-шароит ва ахборот хабардорлиги каби омилларнинг таъсирини аниқлашга йўналтирилган.

1-жадвал

**Масофавий банк хизматларидан фойдаланишга
таъсир этувчи омиллар³**

Омиллар	Фойдаланишга таъсир (%)
Фойдаланувчи хабардорлиги	25

² А.Халилов, Cui Hairong “Revolutionizing Uzbekistan's Banking Sector Through Fintech Innovations”. Indonesian Journal of Law and Economics Review. May 2024.

³ З.Мамадиёров “Analysis of factors affecting remote banking services in the process of bank transformation in uzbekistan” Financial And Credit Activities: Problems Of Theory And Practice 2021 № 1 (36)

Хавфсизлик ва ишонч	20
Фойдаланиш қулайлиги	20
Интернет сифати	15

Мамадиёровнинг натижаларига кўра, фойдаланувчилар банк томонидан тақдим этилаётган интернет ва мобил хизматлар ҳақида тўлиқ хабардор бўлсалар, уларнинг ушбу хизматлардан фойдаланиш эҳтимоли 23–27% га ортади. Бу банклар томонидан олиб борилаётган ахборот ва маркетинг ишларининг муҳимлигини кўрсатади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Банк тизимининг рақамли трансформацияси нафақат миқдорлар учун қулай ва шаффоф хизмат кўрсатиш имкониятларини яратади, балки миллий иқтисодиётда пул оқимларининг тўлиқ кузатувчанлигини таъминлаш орқали макроиқтисодий барқарорликка хизмат қилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали тўловлар ҳажмининг ўсиши банк секторида ликвидликни ошириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, жинойий молиявий операцияларнинг олдини олиш ва солиқ тушумларининг шаффофлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

2-жадвал

Тижорат банкларида қўлланиладиган асосий нақд пулсиз операциялари таркиби⁴.

Операция тури	Амалда қўлланиш ҳолати
Тўлов топшириқномаси	Бу энг кўп учрайдиган ва оммавий

⁴ cbu.uz-Ўз.Рес.Марказий банкининг маълумоти асосида тайёрланди.
SJIF: 5.051

	қўлланадиган ҳисоб-китоб ҳужжати ҳисобланади. Хусусан, тижорат банклари орқали амалга оширилаётган тўловларнинг тахминан 70–75 фоизи айнан тўлов топшириқномалари орқали амалга оширилади. Юридик шахслар ўзаро шартнома асосида тўлов қилишда шу усулни асосий шакл сифатида танлайдилар
Инкассо топшириқномаси	Бу турдаги тўловлар чекланган ҳолатларда ишлатилади. Асосан, солиқ органлари, судлар ёки давлат ижрочилари томонидан чиқарилган қарорлар асосида мажбурий равишда маблағ ундириш мақсадида қўлланилади. Масалан, қарздор юридик шахс ҳисобидан солиқ қарзини ушлаб қолишда фойдаланилади.
Электрон тўловлар (QR, Payme, Click)	Бу турдаги тўловлар кейинги йилларда жуда тез оммалашди. Жисмоний шахслар ва кичик бизнес субъектлари (МЧЖ) ўртасида Payme, Click, Apelsin, UzumBank каби мобил иловалар орқали амалга ошириладиган онлайн тўловлар кундалик ҳаётда кенг фойдаланилмоқда. QR-код орқали тўлов — савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарининг асосий тўлов

	воситасига айланди.
Аккредитивлар	Бу жуда эҳтиёткорлик ва кафолат талаб қиладиган ҳисоб-китоб шакли бўлиб, асосан йирик тижорат шартномаларида, экспорт-импорт операцияларида қўлланилади. Банк мижоз номидан муайян шартлар бажарилгандагина тўлов амалга оширишга кафолат беради. Бундай ҳолатда пул тўғридан тўғри эмас, балки шартнома шартларига мувофиқ тарзда, босқичма-босқич тўланади.

Тижорат банкларида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалиёти тадбиркорлик муҳитини шаффофлаштириш, коррупция хавфини камайитириш, банк операциялари тезкорлигини ошириш ва аҳоли банк хизматларига ишончини мустаҳкамлаш каби омиллар орқали иқтисодиётда стратегик аҳамият касб этмоқда.

Рақамли инфратузилманинг янада ривожланиши, мобил банкинг технологияларининг кенгайиши ва банклараро электрон ҳисоб-китоб тизимларининг такомиллаштирилиши орқали тижорат банклари тўлов хизматлари бозорида рақобатбардошликни таъминлаш имконига эга бўлади.

3-жадвал

Банклараро тўлов ҳужжатлари орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар (сонда)⁵.

⁵ Ўз. Рес.Марказий банкининг статистик бюлтени асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
SJIF: 5.051

Ил	Й	М	Тўлов	Тў	Акк	Инкасс	ами
	емориал		топшириқномаси	лов	редитивга	о	
	ордер			талабномаси	ариза	топшириқномаси	
2023 йил	2 2 2 910 959	2	40 168 988	19 3 661	81	5 079 844	8 353 533
2024 йил	2 2 3 360 770	2	49 220 462	17 8 876	36	3 714 535	6 474 679

2023–2024 йиллар таҳлили шуни кўрсатадики, банклараро тўлов ҳужжатлари орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, жами кўрсаткич 2023 йилда 68 353 533 та ҳужжат бўлган бўлса, 2024 йилда 76 474 679 тага етган. Бу эса 8 121 146 тага ошишни англатади ва тахминан 12 фоизлик ўсишни ифодалайди. Бундай тенденция мамлакатда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг барқарор ривожланаётганини ва унга бўлган талаб ортиб бораётганини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари ичида пластик карточкалар орқали амалга ошириладиган операциялар аҳоли ва бизнес субъектларига энг қулай ва тезкор йўл ҳисобланади. Масалан, тўлов топшириқномаси ёки инкассо топшириқномаси кўпроқ юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китобларда ишлатилади. Аммо пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоблар, асосан чакана сегментда — яъни аҳоли, хизмат кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнес миқёсида энг кенг қамровли тўлов механизмига айланди.

Аудиторлик нуқтаи назаридан, пластик карточкаларнинг афзаллик томони шундаки, улар орқали амалга ошириладиган ҳар бир операция электрон тарзда қайд этилади ва бу маълумотлар банкнинг ички назорат

тизимида сақланади. Бу ҳолат ҳисоб-китобларнинг аниқлиги ва қонунийлигини таъминлашда, шунингдек, молиявий хатарларни баҳолашда (масалан, шахсни аниқлаш, маблағларнинг манбасини текшириш, ноқонуний операцияларни олдини олиш) муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро амалиёт билан қиёслаганда, Ўзбекистондаги пластик карточкалар HUMO ва UzCard миллий тўлов тизимлари орқали амалга оширилса, ривожланган давлатларда VISA ва MasterCard каби халқаро брендлар устувор ҳисобланади. Аммо умумий тенденция бир хил — яъни нақд пулсиз ҳисоб-китобларда пластик карточкалар марказий ўрин эгаллайди ва тўлов интизомини кучайтиради.

Шунинг учун ҳам, пластик карточкаларни фақат тўлов воситаси эмас, балки нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг рақамли ислохотлар билан уйғунлашган шакли сифатида баҳолаш мумкин. Уларнинг жорий қилиниши миллий иқтисодиётда қонуний ҳисоб-китобларнинг устувор бўлишини таъминлаб, нақд пул айланмасини қисқартириш, солиқ тушумларини ошириш ва банк тизими ликвидлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон банк амалиётида сўнгги йигирма йилликда амалга оширилган тўлов тизими ислохотлари натижасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кенг ривожланди ва уларнинг асосий воситаларидан бири сифатида пластик карточкалар мустаҳкам ўрин эгаллади. Агар дастлаб миллий банк тизимида ҳисоб-китоблар асосан тўлов топширикномаси ёки мемориал ордерлар орқали амалга оширилган бўлса, ҳозирги кунда жисмоний шахслар иштирокидаги транзакцияларнинг асосий қисми айнан пластик карточкалар орқали амалга оширилмоқда.

Пластик карточкаларнинг жорий қилиниши тўлов интизомини

кучайтириш, нақд пул айланмасини қисқартириш ва банк тизими ликвидлигини оширишга хизмат қилди. Масалан, иш ҳақи, нафақа ва пенсияларни тўлаш тизимида пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш механизми жорий этилгандан сўнг, давлат бюджетидан маблағларни мақсадли сарфлаш назорати кучайди. Бу эса аудиторлик нуқтаи назаридан ҳам муҳим, чунки электрон қайдлар орқали ҳар бир операциянинг шаффофлиги таъминланади.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот саволларига берилган жавоблар асосида шаклланган натижаларни илмий-амалий нуқтаи назардан умумлаштириб ифодалаш мумкин.

Биринчидан, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг иқтисодий аҳамияти иқтисодиётдаги пул айланмасини тезлаштириш, ҳисоб-китоб жараёнларида шаффофликни таъминлаш ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарздорлигини қисқартириш билан чамбарчас боғлиқ экани аниқланди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг улуши қанчалик юқори бўлса, иқтисодиётдаги маблағлар айланиши шунчалик самарали ва барқарор кечади. Бу эса молия секторида рискларни пасайиши, ликвидликнинг ошиши ва банк тизимида ресурслардан оқилона фойдаланиш имкониятларини кенгайтириши билан намоён бўлади.

Иккинчидан, Ўзбекистонда амал қилаётган ҳуқуқий ва институционал база тўлов ҳужжатларини тартибга солиш бўйича муайян механизмларни белгилаб берган бўлса-да, уларнинг рақамли тўлов стандартларига тўлиқ мослашмагани аниқланди. Марказий банк томонидан қабул қилинган низом ва қонунларда тўлов топшириқномаси, мемориал ордер, аккредитив, инкассо

топшириқномаси каби шакллар белгилаб қўйилган, аммо уларни амалий жараёнларда самарали татбиқ этишда замонавий ахборот технологияларини интеграция қилиш етарли даражада эмас. Аудиторлик нуқтаи назаридан бу ҳолат ҳисоб-китоб жараёнларида маълум бир операцион рискларнинг сақланиб қолишига олиб келиши мумкин.

Учинчидан, халқаро амалиёт билан қиёсий таҳлиллар натижасида SEPA (Single Euro Payments Area) ва SWIFT (Society for Worldwide Interbank Financial Telecommunications) тизимлари орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар юқори даражада стандартлашгани, тезкорлиги ва арзонлиги билан ажралиб туради. Масалан, SEPA ҳудудида евро транзакциялари миллий тўловлар билан бир хил қоидалар асосида амалга оширилиши, SWIFT орқали эса кунлик ўртача 50 миллиондан ортиқ хабар узатилиши ҳамда жаҳон тўловларининг катта қисми бир соат ичида етиб бориши халқаро молия инфратузилмасининг самарадорлигини намоён этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Рахимова Х.У. Организация и развитие платежной системы Республики Ўзбекистан. Автореферат дисс. на соиск. учен. степени канд. экономич. наук. - Ташкент, 2006. - 24 с.
2. Сайфиддинов И.Ф. Тўлов айланмаси, унинг муаммолари ва ҳал этиш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди... дисс. автореферати -Тошкент, 2012. -23 б.
3. Эйвазов Б.Ф. Проблемы на пути развития региональных рынков розничных услуг с использованием пластиковых карточек в Республике

Ўзбекистан // Проблемы внедрения лучшей практики корпоративного управления в Ўзбекистане. - Т.: 2007. - С.196.

4. Прокофьева О.К. — Банк аудитининг долзарб муаммолари. // “Пул ва кредит” журналы, № 8, 1999.

5. Пўлатов Х.Ў. — Оптов корхоналарда бухгалтерия хисобварақлари. // Иқтисодиёт ва жамият. 2021, № 4-2, Б. 318–323.

6. Романова Г.Г., Войнова Е.Л. — Халқаро аудит стандартларини жорий этиш истиқболлари. // КНЖ, 2019, № 2(27), Б. 110–112.

7. Сырых В.М. — Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. — М.: Юстицинформ, 2012. — 704 б.

8. European Central Bank. Payment Statistics – 2024. Frankfurt: ECB. URL: <https://www.ecb.europa.eu>.

9. European Payments Council. SEPA Payment Statistics. URL: <https://www.europeanpaymentscouncil.eu>.

10. SWIFT. CEO’s Annual Letter to Shareholders 2024. URL: <https://www.swift.com>.

11. Alessa. SWIFT Wire Transfer and Payments. URL: <https://alessa.com/blog/swift-wire-transfer-and-payments>.